



# ХУСУСИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

*Абдуллаев Айбек Назарбаевич*

"Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти в.б., PhD

ORCID:0000-0002-2375-0221

## ISSUES OF RECOGNITION OF FINANCING SOURCES OF PRIVATE EDUCATIONAL ORGANIZATIONS AS AN OBJECT OF ACCOUNTING

*Abdullaev Aybek Nazarbaevich*

Assistant professor of the "Accounting" department, PhD

ORCID:0000-0002-2375-0221

**JEL Classification:** M1,M4,M48

**Аннотация:** Мамлакатимизда ёшларимизни таълим тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим тизимида соглом рақобат муҳитини шакллантиришига ва шу асосда таълим сифатини оширишига асосий турткি бўлувчи омиллардан бири бўлган Хусусий таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишни янада кенгайтишига қаратилаётган ислоҳотлар бунга яққол мисол бўла олади. Бу жараёнда хорижий нуфузли талим ташкилотларининг филиалларини ташкил этиши, шунингдек, хусусий таълим ташкилотларига хорижий педагог-ходимларни жалб этишини разгбатлантириши мақсадида бир қатор имтиёз ва переференциялар ҳам берилмоқда. Ҳуқуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар нафақат мактабгача ва умумий ўрта мактаб таълимiga, балки олий таълим тизимида ҳам соглом рақобат муҳитини шакллантириши имконини берадиган хусусий олий таълим муассасалари ва ривожланган хорижий давлатларинг нуфузли олий ўқув юртларининг филиалларини очиш ва улар билан қўйшина таълим дастурларини ташкил этиши ўйналишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий соҳага оид фаолият турлари, хусусан, хусусий таълим ташкилотларини молиялаштириши билан боғлиқ масалалар ҳозирги кунда анча долзарб бўлиб бормоқда. Соҳада давлат-хусусий шерикчилик, қўйшина таълим дастурлари, хусусий олий таълим ташкилотларига давлат гранти асосида қабул квоталарининг ажратилиши ва бошқа турли жиҳатлар борки, хусусий таълим ташкилотларини молиялаштиришида ягона бир тизим мавжуд эмаслиги бу ўйналишда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилишини талаб этмоқда, назаримизда. Мазкур мақолада хусусий таълим ташкилотларини молиялаштириши манбалари, уларнинг амалдаги ҳолати ва соҳага оид бошқа жараёнлар тўғрисида фикр юритилган.

**Abstract:** In our country, special attention is paid to the education of our youth. In particular, the reforms aimed at creating a healthy competitive environment in the education system and expanding the activities of private educational organizations, which are one of the main motivating factors for improving the quality of education, are a clear example of this. In this process, a number of privileges and

preferences are given in order to encourage the establishment of branches of prestigious foreign educational organizations, as well as the attraction of foreign pedagogues-employees to private educational organizations. The reforms carried out by our government are manifested not only in pre-school and general high school education, but also in the directions of opening branches of private higher education institutions and prestigious higher education institutions of developed foreign countries and establishing joint educational programs with them, which enable the formation of a healthy competitive environment in the higher education system. The types of activities related to the social sphere carried out in our country, in particular, the issues related to the financing of private educational organizations are becoming more urgent today. In the field, there are public-private partnerships, joint educational programs, allocation of admission quotas based on state grants to private higher education institutions and various other aspects. This article discusses the sources of funding for private educational organizations, their current status and other processes related to the sector

**Калим сўзлар:** хусусий таълим ташкилоти, нодавлат таълим хизматлари, молиялаштириши, давлат-хусусий шерикчилик, ташкилий-хуқуқий шакл, рақобат, фойда, таъсисчи(лар), лицензия.

**Keywords:** private educational organization, non-governmental educational services, financing, public-private partnership, organizational legal form, competition, profit, founder(s), license.

**Кириш.** Жаҳонда аҳолининг сифатли таълим олишини таъминлашда Хусусий таълим ташкилотларининг моддий-техник базасидан унумли фойдаланиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан оптимал фойдаланишда уларнинг ҳисобини тӯғри юритиш

масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО ҳисоботига кўра «дунё бўйлаб хусусий мактабларнинг улуши 7 фоиз ўсган, ривожланган давлатларнинг олий таълим тизимида нодавлат секторнинг улуши АҚШда 62 фоизни, Германияда 25 фоизни, Кореяда 80 фоизни ва Россияда 31 фоизни» ташкил этади. Хусусий таълим ташкилотларининг турли ташкилий-хуқуқий ва мулкчилик шаклига эга бўлиши уларни молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда болаларни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, ҳудудларда янги мактабгача таълим муассасаларини барпо этиш, янги мактаблар куриш, мавжудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳар бир фуқарога аниқ касб-хунарга ўқиши имкониятини яратиш, олий таълим билан қамров даражасини ошириш ва таълим тизимида нодавлат секторнинг иштироқини кенгайтириш орқали рақобат мухитини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

**Материал ва метод.** Хусусий таълим ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш, уларни молиялаштириш масалаларини такомиллаштиришга йўналтирилган тавсиялар хориж ва республикамиз олимларининг илмий асарларида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусий таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий жиҳатлари ва уларни молиялаштириш манбалари таҳлили хориж иқтисодчи олимлари Л.Моррелл [4], А.Дайновский [5] О.Макарчева [6], Н.Лапшина [7]ларнинг илмий изланишларида учрайди. Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н.Ф.Каримов [8], О.Неъматов [9] ва М.Сайдов [10]ларнинг илмий ишларида бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган. Юқоридаги олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган

илмий-назарий изланишларда, айнан хусусий таълим ташкилотларини молиялаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Сўнгги йилларда хусусий таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар сони кўпайиб бораётганлиги мазкур соҳада фаолият юритувчи юридик шахсларни молиялаштириш масалаларни чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

**Натижалар.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон «Таълим тўғрисида»ги қонунида Хусусий таълим ташкилотига қўйидагича таъриф берилган: «Хусусий таълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш хуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс»dir.

«Таълим тўғрисида»ги қонунга қўра «Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади. Шунингдек, мазкур моддада «Оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти» шаклидаги таълим хизматлари якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган «жисмоний шахслар» томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган». Таълим тўғрисидаги қонунда «нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилади» деб кўрсатилган. Таъсисчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек, маҳаллий ва хорижий юридик шахслар бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида ташкил этиладиган Хусусий таълим ташкилотларида давлат идоралари ҳам

таъсисчи сифатида иштирок этишларига рухсат берилади.

Шунингдек мазкур қонунда Хусусий таълим ташкилотлари – «Хусусий таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади, бундан мактабдан ташқари таълимни, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотлари мустасно» деб белгиланган.

Республикамизда амалда бўлган норматив-хуқукий ҳужжатлар асосан нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолият лицензияланадиган фаолият тури хисобланади. Мазкур қонун талабларига қўра нодавлат таълим соҳасидаги қўйидаги фаолият турлари мажбурий тартибда лицензия олишни тақозо этади:

- мактабгача таълим хизматлари (бундан оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно);
- умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим хизматлари;
- профессионал таълим хизматлари;
- олий таълим хизматлари;
- олий таълимдан кейинги таълим хизматлари;
- автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш.

Хусусий таълим ташкилотлари турли мулкчилик ва ташкилий-хуқукий шаклларида ташкил этилиши мумкин. Жаҳонда ҳар қандай тадбиркорлик субъектларини уларнинг фаолият тури, ишчилар сони ва бошқа бир қатор мезонларга асосан таснифлаш амалиёти жорий этилган. Хусусан, мамлакатимизда ҳам «жаҳонда умумий эътироф этилган иқтисодий фаолият турларини таснифлашни жорий этиш орқали кичик тадбиркорлик субъектларини таснифлаш тартибини йўлга кўйиш мақсадида 2016 йил 24 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий фаолият

турларини таснифлашнинг халқаро тизимиға ўтиш чора-тадбирлари тұғрисида»ғи 275-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан тасдиқланган кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган ташкилотларнинг таснифлагичига кўра таълим хизматларини кўрсатиш фаолият турин 85.10.0-дан 85.60.0-гача оралиқдаги кодлар бириктирилган» (1-жадвал). Мазкур қарорда шунингдек, кичик бизнес субъектига тегишлилик бўйича

ташкилотлар классификатори нотижорат ташкилотларига нисбатан тадбиқ этилмаслиги ҳам назарда тутилган. Бу эса, ўз ўрнида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш бўйича фаолият бошлашни режалаштирилган тадбиркорлик субъектларида қандай мулкчилик шакли ва қандай ташкилий-хуқуқий шаклда ўз фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофик бўлишини чукур таҳлил қилган ҳолда қарор қабул қилишга ундаши табиийдир.

### 1-жадвал


#### Таълим соҳасидаги фаолият турларининг иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичига кўра таснифланиши<sup>1</sup>

ИФУТ коди	Фаолият номи	Ходимларнинг йиллик ўртacha сони, нафар	
		Микрофирма	Кичик корхона
85.10.0	Мактабгача таълим	1 — 10	11 — 25
85.20.0	Бошланғич таълим	1 — 10	11 — 25
85.32.0	Ўрта маҳсус, профессионал таълим	1 — 10	11 — 25
85.42.0	Олий таълим	1 — 10	11 — 25
85.51.0	Спорт таълими, жумладан кўнгил очиш мақсадидаги таълим	1 — 10	11 — 25
85.52.0	Маданият соҳасидаги таълим	1 — 10	11 — 25
85.53.0	Транспорт воситалари хайдовчиларини тайёрлаш мактаблари фаолияти	1 — 10	11 — 25
85.59.0	Бошқа тоифаларга киритилмаган таълимнинг бошқа турлари	1 — 10	11 — 25
85.60.0	Таълим соҳасидаги ёрдамчи фаолият	1 — 20	21 — 25

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси

Хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фуқароларнинг сифатли таълим олишга бўлган хукукини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини кўрсатмоқда. ЮНЕСКО ва «DGP Research & Consulting» консалтинг ташкилоти ҳамкорлигига жалб этилган хорижий эксперtlар гурухи томонидан миллий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўtkазилган таҳлилларда таълим сифатини яхшилашда рақобат мұхитини шакллантириш, бунда хусусий таълим секторини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб

ўтилган. Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур соҳадаги муаммоларга амалий ечим топиш учун «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўrsatiш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли қарори билан нодавлат таълим муассасалари секторини кенгайтиришнинг мухим йўналишлари белгиланган». Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ республика таълим тизимида нодавлат секторнинг улуши ошиши кузатилганлигини қўйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин.



**1-расм. Республикадаги хусусий таълим ташкилотлари сонининг ўсиш динамикаси<sup>2</sup>**

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида  
таълим сифатини назорат қилиш давлат  
инспекциясининг маълумотига кўра 2021  
йил якунлари бўйича нодавлат таълим  
секторида 3848 та хўжалик юритувчи

субъектлар шуғулланмоқда. 2017-2021  
йиллар давомида Хусусий таълим  
ташкилотларининг таълим турлари  
бўйича такқослама маълумотларини 2-  
жадвалда кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### 2017-2021 йилларда Хусусий таълим ташкилотларининг сони<sup>3</sup> (таълим турлари кесимида, бирлик)

№	Таълим ташкилоти тури	2017 йил	2019 йил	2021 йил	2017/2021 йй. ўзгариши	
					бирлик	фоиз
1	Мактабгача таълим ташкилотлари сони	194	1172	2061	1867	1062,37
2	Умумий ўрта таълим ташкилотлари сони	30	95	277	247	923,33
3	Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари сони	36	455	623	587	1730,56
4	Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ташкилотлари сони	240	604	853	613	355,42
5	Олий таълим ташкилотлари сони	1	2	34	33	3400,0
<b>ЖАМИ</b>		<b>501</b>	<b>2328</b>	<b>3848</b>	<b>3347</b>	

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Юқорида үтилганидек, таълим нодавлат секторнинг кўпайтириш йўналишида оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ 2017 йилда ўртacha 05-1,5 фоиз улушга эга бўлган нодавлат секторнинг улуси ҳозирги кунга келиб умумий таълим ташкилотларидағи улушкини 5 фоизгача кўтарилишига эришилди. Бу кўрсаткич ривожланган давлатлар кўрсаткичига нисбатан анча паст даражада. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи таълим ташкилотларини кўпайтиришга қаратилган манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Хусусий таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, гарчи бу соҳада

таъкидлаб

тизимида

улушини

амалга

оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ

2017 йилда ўртacha 05-1,5 фоиз улушга эга

бўлган нодавлат секторнинг улуси

ҳозирги кунга келиб умумий таълим

ташкилотларидағи улушкини 5 фоизгача

кўтарилишига эришилди. Бу

кўрсаткич

ривожланган давлатлар

кўрсаткичига

нисбатан анча паст даражада. Шунинг

учун ҳам мамлакатимизда нодавлат

таълим хизматларини кўрсатувчи таълим

ташкилотларини

кўпайтиришга

қаратилган манзилли дастурлар ишлаб

чиқилиб, амалга оширилмоқда.

фаолият кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар таълим олувчиларга давлат таълим стандартлари асосида таълим беришса-да, мазкур ташкилотларнинг давлат томонидан молиялаштириш кўзда тутилмаганлигидир. Бундай

ташкилотлар бозор қонунлари асосида тадбиркорлик фаолиятидан ёки мақсадли тушумлар эвазига асосий молиялаштириш манбаларига эга бўладилар.

Хусусий таълим ташкилотлари бухгалтерия хисобининг муҳим муммолосидан бири айнан мазкур ташкилотларда молиялаштириш билан боғлиқ хўжалик муомалаларини ҳисобда акс этириш услубиётидир. Хусусий таълим ташкилотларини молиялаштириш манбаларини 2-расмда кўришимиз мумкин.



**2-расм. Хусусий таълим ташкиотини молиялаштириш манбалари<sup>4</sup>**

<sup>4</sup> Амалдаги меъёрий-хукукий хужжатлар асосида муаллиф ишланмаси

Хусусий таълим ташкилотини молиялаштириш манбаларининг асосийларидан бири бу – шу таълим ташкилотининг муассис (муассислар) томонидан ташкилот фаолият кўрсатиши учун киритиладиган пул маблағлари, товар-моддий захиралар, мол-мулклар ва бошқалар ҳисобланади. Шунингдек, Хусусий таълим ташкилоти томонидан ташкилот муассисига мулк ёки ижара хукуки асосида тегишли бўлган бино ва иншоотлардан ишончли бошқариш шартномаси асосида фойдаланишини ҳам молиялаштиришнинг яна бир кўриниши сифатида алоҳида қайд этиб ўтишимиз мумкин.

Амалдаги қонунчилик нормаларида муассислар томонидан Хусусий таълим ташкилоти фаолияти учун киритиладиган пул маблағлари, товар-моддий захиралар, интеллектуал мулк обьектлари ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа обьектларига оид бухгалтерия операцияларини ҳисобда акс эттириш тартиблари батафсил баён этилган. Лекин муассисларга мулк ёки ижара хукуки асосида тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларидан Хусусий таълим ташкилотлари ишончли бошқарув шартномаси асосида фойдаланишига оид операцияларни ҳисобга олиш тартибини белгиловчи бирон бир услубий қўлланма мавжуд эмас. Норматив ҳужжатларда ҳам мазкур ҳолатни тартибга солувчи бирон бир нормалар киритилмаган.

Мол-мулкни шартномага асосан ишончли бошқариш бўйича ҳўжалик жараёнларининг юридик ва ташкилий жиҳатлари Б.Топилдиев ва Ш.Собировларнинг илмий ишларида қузатилади. Ишончли бошқариш шартномаси бўйича мол-мулкларга оид операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс

эттириш масалалари бўйича Ҳ.Ортиков илмий изланишлар олиб борган. Лекин ушбу олимларнинг ишланмаларида айнан Хусусий таълим ташкилотлари томонидан муассислардан ишончли бошқарувга олинган мол-мулкларга оид операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш масалалари комплекс тарзда кўриб чиқилмаганлиги, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Хусусий таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг ЭНГ асосий манбаларидан бири бу таълим олувчилар томонидан кўрсатилган таълим хизматлари учун тўланадиган тўловлардир. Мазкур жараёнда молиялаштириш сифатида қаралаётган маблағлар Хусусий таълим ташкилотининг ташкилий-хукукий шакли асосида «даромад» ёки «мақсадли тушум» сифатида эътироф этилади.

«Хусусий таълим ташкилотларининг бўш турган бино ва иншоотлари, шунингдек, бошқа моддий бойликларни ижарага беришдан тушадиган маблағлар ҳам молиялаштиришнинг алоҳида манбаси сифатида эътироф этилади». Ушбу маблағлар Хусусий таълим ташкилотининг асосий фаолиятидан бошқа даромадлари сифатида эътироф этилади ва бундай тушумларни ташкилот уставида белгиланган мақсадларга сарфлашга йўналтирилади.

Хусусий таълим ташкилотлари асосий фаолиятига қўшимча равишда ҳўжалик шартномалари асосида қўшимча таълим, маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатиши мумкин. Хусусан, турли фан ва спорт тўгараклари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари, таълим олувчилар учун овқатланишни ташкил

етиш ва бошқа шу каби қонунчиликда тақиқланмаган фаолиятлар ҳам борки, Ҳусусий таълим ташкилотлари молиявий аҳволининг барқарорлигини таъминлашда мазкур йўналишда ҳам фаолият олиб боришлари мумкин.

Ҳусусий таълим ташкилотлари фаолияти давомида турли жисмоний ва юридик шахслар ҳомийлик ва хайрия маблағларини олишлари, маҳаллий ва ҳалқаро ташкилотларнинг грантларини эгаллашлари мумкин. Молиялаштиришнинг мазкур манбаси пул маблағлари, мол-мулк, товар-моддий бойиклар, хизматлардан бепул фойдаланиш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Ҳусусий таълим ташкилотлари юкоридаги молиялаштириш манбаларига кўшимча равища қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбаларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ҳар бир юридик шахс ўз фаолиятини амалдаги меъёрий-хуқукий хужжатларга асосан мустақил равища ёки профессионал хизмат кўрсатувчи юридик шахслар билан тузилган шартномага асосан ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши лозим.

Ҳусусий таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини юритища мазкур соҳанинг ўзига хос жиҳатлари асосида бухгалтерия ҳисоби объектлари тадқиқ этилиши долзарб саналади. Чунки нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг ташкилий-хуқукий шаклига нисбатан ягона бир талабнинг мавжуд эмаслиги, бухгалтерия ҳисоби объектларини тан олинишида ҳам турли ёндашувларга сабаб бўлмоқда.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига кўра «активлар,

мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар, харажатлар, фойда, заарлар ва уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектлари ҳисобланади ҳамда улар бухгалтерия ҳисобида синтетик ва аналитик ҳисобларда юритилади». Синтетик ҳисоб бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги маълумотларни муайян бир иқтисодий белгилари бўйича умумлаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутса, аналитик ҳисоб эса ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари, бухгалтерия обьекти ҳақидаги ахборотлар ҳажми ва миқдорига бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги батафсил бухгалтерия ахборотларини шакллантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил равища белгиланадиган тартибларда юритилади.

Ҳусусий таълим ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг обьектларини тан олиш ва таснифлашда уларнинг ташкилий-хуқукий шаклига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасига кўра, «юридик шахс фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган «тижоратчи ташкилот» ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган «тижоратчи бўлмаган ташкилот» бўлиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин. Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан

молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин. Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин».

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига кўра, «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси худудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектлари» ҳисобланади. Хусусий таълим ташкилотлари ҳам бухгалтерия ҳисобининг мустакил субъекти сифатида ҳисобни олиб бориш ва ҳисбот тузишига доир минимал талабларни белгиловчи бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида ўзларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши лозимлиги белгилаб берилган.

Хусусий таълим ташкилоти томонидан ахолига пуллик таълим хизматлари кўрсатилишини инобатга олиб, улар «тижорат ташкилоти» сифатида эътироф этилган. Амалдаги норматив-ҳуқуқий хужжатларда нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солишда аниқ бир ёндашув бўлмаганлиги сабабли Хусусий таълим ташкилотлари бир вақтнинг ўзида ҳам «тижорат», ҳам «тижоратчи бўлмаган» ташкилот сифатида эътироф этилиши учун сабаблар етарли бўлган. Ташкилотни «тижорат» ёки «тижоратчи бўлмаган»

юридик шахс эканлигини унинг уставида белгиланган ташкилотнинг мақсад ва вазифаларидан ҳам аниқлаб олиш мумкин бўлади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби объектларининг тан олиниши ва уларнинг ҳаракатига оид бухгалтерия операцияларини ҳисобда акс эттирилишида Хусусий таълим ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, шунингдек, мазкур фаолият тури ижтимоий соҳага оид фаолият турлари тоифасига кириши каби омилларни инобатга олиниши лозим бўлади.

**Хулоса.** Фикримизча таълим соҳаси ижтимоий фаолият турларидан бири сифатида эътироф этилганлиги сабабли мазкур фаолият тури билан шуғулланувчи хусусий таълим ташкилотларини айнан муаян бир кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда давлат томонидан молиялаштириш тизини йўлга кўйиш лозим. ҳар бир таълим турлари бўйича молиялаштиришнинг мухим кўрсаткичлари сифатида қуидагиларни эътироф этишимиз мумкин:

**1. Мактабгача таълим тури бўйича.** Хусусий мактабгача таълим ташкилотлари фаолият юритаётган худуддаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар учун ота-оналар бадалларидан ошмаган микдорда нарх белгилаш мажбурияти юклатилган. Демак жами тарбияланувчилар сонида айнан имтиёзли нархда таълим олиши учун ота-оналар бадалига нисбатан ўрнатилган минимал кўрсаткичлардан келиб чиқиб, хусусий мактабгача таълим ташкилотининг ўша ўлчамдаги харажатларини давлат томонидан

молиялаштиришни йўлга қўйиш лозим бўлади;

**2. Умумий ўрта таълим тури бўйича.** Хусусий умумий ўрта таълим фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия талабига кўра, ушбу фаолият туриб билан шуғулланувчи хусусий мактаблар жами ўқувчилар сонидан камида 10 фоизини ўзи жойлашган худуддаги кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласалар фарзандларини бепул ўқитиш мажбуриятига эга. Демак, хусусий мактабгача таълим ташкилотининг умумий харажатларидан айнан 10 фоиз қисмини давлат томонидан молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир;

**3. Олий таълим тури бўйича.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги «Давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-279-сонли

қарори билан 2022/2023 ўкув йилидан бошлаб республикада фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда хусусий олий таълим ташкилотларида талабалар давлат гранти асосида таълим олишлари учун 1 000 та ўрин ажратиб борилиши, мазкур талабаларни ўқитиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети параметрларида назарда тутилиши кўзда тутилган. Демак, мазкур ҳолатда давлат гранти асосида хусусий олий таълим ташкилотида таҳсил оладиган талабалар сони олий таълим ташкилотининг умумий талабалар контингентида қанча улушга эга бўлса, хусусий олий таълим ташкилотини харажатларининг ўша миқдордаги улушкини давлат томонидан молиялаштиришни назарда тутувчи меъёрларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ЎРҚ-637-сон Конуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 275-сонли қарори.
4. Morrell, Louis R., «Accounting for private colleges» (1968). Masters Theses 1911 - February 2014. 3248. Retrieved from <https://scholarworks.umass.edu/theses/3248>,
5. А.Б.Дайновский Экономика высшего образования. Планирование, кадры, эффективность. - М., Изд-во «Экономика», 1976 г.
6. О.А.Макарчева автореферат диссертации на тему «Источники финансирования вузов в России» 1998 г.
7. Н.Ю.Лапшина автореферат диссертации на тему «Учет финансового обеспечения образовательных учреждений» Санкт Петербург 2004 г.



8. Н.Ф.Каримов, С.М.Бузрукхонов Олий таълимнинг инновацион ривожланишини молиялаштиришнинг концептуал ёндошувлари. «Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar» ilmiy elektron jurnalı. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil, 244-256 бетлар
9. О.Нематов Нодавлат нотижорат ташкилотларида грантлар хисобини такомиллаштириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 2016 йил №5, 56-65 бетлар
10. М.Сайдов Олий таълим иқтисодиёти, инвестициялари ва маркетинги. Ўкув кўлланма. Тошкент, «Молия» 2003 й., 100-110 бетлар
11. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
12. [www.tdi.uz](http://www.tdi.uz)